

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан
2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, уни янада юқори савияга олиб чиқиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

I. 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар:

1. “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформаси ишга туширилиб, **147 139 нафар** тизим ходимлари (*фан методистлари ва мактаб директорлари, кимё, биология, бошланғич фан ўқитувчилари*) малакаси оширилди.

Шунингдек, хусусий секторни жалб этган ҳолда, **6 мингдан** ортиқ Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларининг дастурлаш тиллари (C++ ва Scratch) бўйича малака кўникмалари шакллантирилди.

225 нафар россиялик ва **26 нафар** АҚШлик педагоглар ҳудудий малака ошириш марказлари ва мактабларга жалб қилинди.

2. Таълим сифатини ошириш борасида **Миллий ўқув дастури** ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси техник кўмагида, халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, **246 нафар** маҳаллий ва **16 нафар** халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилиб, янги дастурга мос равишда умумтаълим мактаблари учун жами **326 номда** ўқув-методик мажмуалар, хусусан янги авлод дарсликлари, ўқитувчи китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилди.

Дастурни жорий қилиш мақсадида **114 нафар** тренер тайёрланди, **49,1 минг** нафар бошланғич синф ўқитувчилари учун жойларда мақсадли ўқув курслар ташкил этилди ҳамда ҳар бир фанни ўқитиш бўйича видеокурс, мавзулар кесимида тақдимотлар ҳамда методик ресурслар тайёрланиб, А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институтининг “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасига жойлаштирилди.

3. Халқ таълими тизимидаги қарийб 10 мингта умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 700 мингдан ортиқ педагог ва ходимлар йил давомида жами **21,3 трлн. сўм** миқдорида **иш ҳақи** тўловлари билан таъминланди.

4. Ўқитувчиларнинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида мақсадли ўқувлар ташкил этилиши натижасида, олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши **22,3 фоизга** (2020 йилда 16,6 фоиз) етди.

5. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг **24 нафар** стипендиантлари хорижий олий таълим муассасаларига стажировка ва малака оширишга юборилди.

6. Битирувчиларнинг олий таълим муассасасига кириш натижаси 2020 йилга нисбатан **1,7 бараварга** (*ёки 51 257 нафарга*) кўпайди, шундан грант асосида кирганлар **1,8 бараварга** ортди (*ёки жами квотанинг 75 фоизини эгаллади*).

Шунингдек, битирувчиси умуман ОТМга кира олмаган **“қизил”** тоифадаги мактаблар сони **692 тадан 88 тага** камайди.

Битирувчиларнинг олий таълим муассасалари имтиҳонларида тўпланган ўртача баллари **63 баллдан 73,5 баллга** кўтарилди.

7. Халқаро олимпиадаларда **6 та** олтин, **18 та** кумуш, **31 та** бронза, жами **53 та** медаль, шу жумладан энг нуфузли халқаро олимпиадаларда 3 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза, жами 10 та медаль (*2020 йилда – 6 та*) қўлга киритилди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида **500 мингдан ортиқ** ўқувчи ёшлар дастурлаш асосларини ўрганиб, тегишли сертификатга эга бўлишди.

8. Ўзбекистонда илк марта **Ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадаси** Фарғона вилоятида 2021 йил 8-12 ноябрь кунлари юқори савияда **ўтказилиб**, унда **19** мамлакатдан **134 нафар** ёш физиклар қатнашди.

Ушбу олимпиадада Ўзбекистонлик ўқувчилар томонидан **1 та** олтин, **2 та** кумуш ва **5 та** бронза медаллари қўлга киритилди.

Шунингдек, **olympiad.uzedu.uz** ахборот тизими орқали **115 та** онлайн олимпиадалар ташкил этилиб, унда **1,1 млн. нафардан ортиқ** 4-11-синф ўқувчилари иштирок этиши таъминланди.

9. **PISA, TIMSS, PIRLS** халқаро баҳолаш тадқиқотларига **1,7 млн. нафар** ўқувчиларни тайёрлашга қаратилган **STesting.uz** тренажёр платформаси ишга туширилди.

10. **Бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражалари** бўйича саводхонликни баҳоловчи халқаро **PIRLS** дастурида илк бор **180 та** мактабнинг **5 847 нафар 4-синф** ўқувчилари иштирок этди.

11. Бошланғич синф ўқувчиларининг саводхонлик ва ҳисоблаш кўникмаларини баҳолашга мўлжалланган **EGRA** ва **EGMA** тадқиқотларида тасодифий танлаб олинган **937 та** мактабнинг **11 минг нафар 3 ва 5-синф** ўқувчилари иштирок этишди.

12. **56 та** математика, **14 та** физика, **59 та** кимё-биология, **207 та** чет тили, **85 та** информатика фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони **162 тадан 267 тага** етказилди.

13. **“Баркамол авлод”** болалар мактабларига **200 минг нафарга яқин** ўқувчилар қамраб олинди. **5 та муҳим ташаббус** доирасида санъат, маданият, спорт, компьютер технологиялари, робототехника, китобхонлик ва қизларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш бўйича тўғарақларга ўқувчиларни жалб қилиш **76 фоиз (4,7 млн. нафар)**га етказилди.

Шунингдек, умумтаълим муассасаларида **“Мактабда театр”** лойиҳаси доирасида **3 218 та** ҳаваскор ёшлар театр-студиялари фаолияти йўлга қўйилиб, унга **295 минг нафарга яқин** ўқувчилар, спортнинг **14 та туридан** ташкил этилган **64,5 мингта** спорт секцияси машғулотларига **1,5 млн. нафар** (шундан, *570 209 нафар қизлар*) ўқувчи-ёшлар жалб этилди.

14. Умумтаълим муассасаларида **2 000 нафардан ортиқ** вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог фаолияти йўлга қўйилди.

15. Юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғи **9 815 та** (96 %) умумтаълим муассасаларига етказилди ҳамда **7 000 та** (69 %) умумтаълим муассасалари ички локал тармоқ ускуналари ҳамда Wi-Fi қурилмалари (*2021 йил режасига нисбатан 2,1 бараварига кўп*) билан таъминланди.

16. Умумтаълим мактабларининг 1-синфига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини шаффоф ўтказиш ва ота-оналар учун қулайликлар яратиш мақсадида **my.maktab.uz** ахборот тизими ва унинг **мобил иловалари** ишга туширилиб, 2021-2022 ўқув йилида Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказларидаги **800 тадан ортиқ** умумтаълим мактабларида **105 минг нафардан ортиқ** болалар (*микрoҳудуд ва микрoҳудуддан ташқари*) қабул қилинди.

17. **Халқ таълими тизимини бошқаришнинг ахборот тизими (ERP)** дастурий мажмуаси ишлаб чиқилиб, ўқувчи, ўқитувчи, мактаб ва бошқа маълумотлар базалари шакллантирилди. Ягона электрон дастурий мажмуаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, АКТ вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат тест марказининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинди.

18. **384 нафар** меҳрибонлик уйлари ва васийликдаги битирувчилар ҳамда **346 нафар** ногиронлиги бўлган болалар олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

19. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган **10 минг нафардан ортиқ** болаларга **“Президент арчаси”** тадбири ташкил этилди.

20. Инвестиция ва қўшимча дастурлар доирасида **2,7 трлн. сўм** маблағлар ҳисобига жами **485 та** мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари (*21 та янги қурилиш, 312 та реконструкция қилиш, 152 та мукамал таъмирлаш*) амалга оширилди.

21. Инвестиция дастури ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раёсатининг баёнларига киритилган **477 та** умумтаълим мактабларига ўқув инвентарь, мебель ва жиҳозлар етказилди.